

# КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ - 2002 ЙИЛ МУБОРАК!



## ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2001 йил 29 декабрь, шанба

• №103 (11.388) •

Эркин нархда сотилади

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан уюштирилган Тошкент саммити 28 декабрь куни эрталаб икки томонлама учрашувлардан бошланди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг ўзаро мулоқотларида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган кўпгина бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Расмий делегацияларнинг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида эса кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислам Каримов мазкур саммит янги йил арафасида ўтаётгани муносабати билан барча иштирокчиларни, улар орқали қўшни давлатлар халқларини байрам билан қизгин табриклади ва ўзининг энг эзгу тилаklarини билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиё давлатлари истиқлолга эришганига ўн йил тўлганини, ўта масъулиятли бу давр улкан тарихий аҳамият касб этишини таъкидлади. Таъкидлаш жоизки, ўтган ўн йил ичида амалга оширилган хайрли ишлар туфайлигина бугунги кунда минтақамиз давлатлари

(Давоми 2-бетда).

Суратда: Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учрашувидан лавҳа. Абдувоҳид ТўРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.



### Арафа

## ЭЛИМИЗДА ЯНГИ ЙИЛ, ДИЛИМИЗДА ШУКУХ

Шу кунларда вилоятимиз шаҳар ва туманлари аҳли Янги йилни кутиб олиш тараддудида. Айниқса, болажонларнинг қувончлари чексиз. Улар Қорбобо ва Қорқизларнинг келишини, улар улашадиган совғаларни сабрсизлик билан кутмоқдалар. Жойларда байрамни ўтказиш режалари ҳақидаги маълумотларнинг чеки йўқ. Муҳбиримиз улардан баъзиларини телефон орқали ёзиб олди:

#### АНГРЕН

Шаҳарнинг Истиқлол майдонига ўрнатилган улкан арча атрофида ўйин-кулгу авжига чиқади. 30 декабрь куни бу ерда шаҳар меҳнаткашларининг Янги йил байрами ўтказилади. «Президент арчаси» тантаналарига кам таъминланган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг ўғил-қизлари таклиф этилади.

31 декабрда эса, катта сайл уюштирилиб, унда бадий хаваскорлик жамоалари иштирокида куй-қўшиқлар янграйди. Шаҳар кўғирчоқ театрининг актёрлари ҳам ўз чиқишлари билан болажонларни хушнуд этадилар.

#### ЧИРЧИК

Шаҳардаги 42та мактабгача тарбия муассасалари болакайлари. 22та умумтаълим мактабларининг ўқувчилари қишки таътиллари маданият саройларида безатилган арча атрофида ўтказиладилар. Бу тадбир-

(Давоми 3-бетда).

## ЭЗГУЛИККА ОНА БЎЛИБ КЕЛ!

Янги аср отди бир одим,  
Гоҳ қаҳрли, гоҳ бўлди одил.  
Дилда қолар мангуга ёди,  
Яхшиликка сен остона, кел,  
Эзгуликка бўлиб Она, кел.  
Умримизни бега, Янги йил!

Уфқларда бўлар кўзимиз,  
Бунёдкорлик айтар сўзимиз.  
Ҳалол топган нону тузимиз,  
Шарафларга сен остона, кел,  
Эзгуликка бўлиб Она, кел!

Ватан бизнинг энг олий нишон,  
Уни севмак виждону иймон.  
Унинг учун яшаб ҳар қачон,  
Биздек ишқин жойлаб жона, кел,  
Эзгуликка бўлиб Она, кел!

Оппоқ қордек покдир тилаклар,  
Куч-қудратга тўла билаклар.  
Истиқлолга фидо юраклар —  
Садосига қона-қона, кел,  
Эзгуликка бўлиб Она, кел!

Сен асримга иккинчи доvon,  
Забт этамиз аҳил, соғ-омон.  
Олқишлайди ҳур Ўзбекистон,  
Шодликларга бўл ҳамхона, кел,  
Эзгуликка бўлиб Она, кел!

Темур УБАЙДУЛЛО.

### Дил изҳори

## МУНАВВАР ДУНЁ ҚУВОНЧЛАРИ

Шифохона туғруқ бўлими деганда сирти сокин кўриниш ортида гўдакларнинг илк товуши бу оламни янградиб юборган хонолар, тўнғич фарзандига илк дафъа кўкрак тутган кечаги келинчақ, оқ халатини елкасида хилпираиб, туғруқхонага шошилаётган доя кўз ўнгимда гавдаланади. Бу кўҳна олам шу хоналарда дунёга келётган гўдаклар ҳайқирғи билан мудом навқирон, мунаввар, ёруғ...

Мустақил Ўзбекистонда 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинганида кўнглимдан шу ўйлар ўтганди. Шунга ҳам роппа-роса бир йил бўлди. Бугун ўтган муддатда «Она ва бола» давлат дастурини амалга ошириш борасида бажарилган ишларни сарҳисоб қилмоқдамиз. Бу борада олти йўналиш бўйича йил давомида қизгин иш олиб борилади. Уларнинг ҳар бири хусусида олам-олам гап айтиш мумкин. Ишлар чиндан ҳам шунга яраша бўлди. Буни ҳар биримиз кўриб-кузатиб турибмиз. «Она ва бола» дастурини рўёбга чиқариш бутун жамиятнинг эзгу мақсадига айланди.

Шу бир йил ичида янги туғруқ мажмуалари очилди. Айтайлик, Тошкент туманида уни барпо этишга 25 миллион сўм сарфлашди. Шифокорлар у ерда энг ноёб, замонавий ускуналардан фойдаланишмоқда. Ёки Паркент туманини олайлик. Хўжаликларда ишловчи аёлларга алоҳида ички имтиёзлар амал қилапти. Улар ҳомиладорликнинг беш ойиданоқ туғиш таътилига

(Давоми 3-бетда).

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

халқаро сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тизимининг фаол иштирокчиларига айланди. Мамлакатларимизда янги жамиятнинг пойдевори асос солинди. Президентларнинг шахсий дўстона муносабатлари, оқилона сиёсати, халқларимизнинг яқинлиги боис турли низоларнинг олди олинди, яхши қўшничилик аъёнлари янада ривожланмоқда. Фараз ниятли кучларнинг минтақа мамлакатлари муносабатларига соувқлик солишга уриниб уюштирилган фитналар пучга чиқди. Саммит иштирокчилари таъкидлаганидек, ўтган ўн йил ичида жиддий келишмовчилик юз беришига йўл қўйилмади. Бу билан фахрланас арзийди.

Минтақамиз мамлакатлари раҳбарларининг учрашувлари ҳам ўзига хос аъёнага айланган. Президентлар ўтган йилнинг апрелида Тошкентда йиғилиб, талай масалаларни ҳал қилган, террор, экстремизм, наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси, уюшган жиноятчилик ва минтақага таҳдид солувчи бошқа муаммоларга қарши кураш ҳақидаги шартномага имзо чеккан эди. Ўша учрашувнинг самарасини бугун яққол кўрмоқдамиз. Масалан, Ўзбекистон ва Қозоғистон президентларининг яқинда имзоланган қўшма баёнотида таъкидланганидек, мамлакатларимиз ўртасидаги чегара делимитация қилинди. Чегара баҳонаси билан ўртамаизга нифоқ солишга уринган кучлар тилини тишлаб қолди.

Бу галги саммит шуниси

(Давоми. Боши 1-бетда).

билан аввалгиларидан фарқ қиладики, у дунёда туб ўзгаришлар рўй бераётган пайтда ўтди. Бугунги шарт-шароит ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан Ислон Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятини "Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти"га айлантириш таклифини ўртага ташлади. Янги ташкилот олдида фақат иқтисодий масалалар билан чекланмай, минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳар жаҳада кенгайтириш вазифаси қўйилади. Лекин айти пайтда унинг ҳеч қандай ҳарбий мақсадга хизмат қилмаслигини эътибордан соқит этмаслик керак. Саммит қатнашчилари давлатимиз раҳбарининг таклифини бир овоздан маъқуллади.

Ислон Каримов ўзаро иқтисодий ҳамкорлик янада раванқ топиши учун янги имкониятлар яратиш мақсадида Тошкентда Марказий Осиё ишбилармонларининг анжуманини ўтказишни таклиф қилди. Таъкидланганидек, минтақа мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми имконият ва салоҳият дара-

жасида эмас. Айниқса, қўшни ўлкаларнинг хусусийлаштириш жараёнидаги иштироки жуда суст. Тошкентда ўтказилажак бизнес-форум бу борада катта бурилиш ясаши тайин. Президентлар иқтисодий ҳамкорлик соҳасида аввало қўшни юртлардан келадиган ишбилармонларга алоҳида имтиёзлар бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга келишиб олди.

Музокараларда маданияти ва санъати бир-бирига муштарак халқларнинг бу соҳадаги алоқалари қониқарсиз даражада эканлиги қайд этилди. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги вақтларда ўзаро бирор фестивал, декада ё шу каби бирор катта маданий тадбир ўтганини эслай олмаимиз. Нурсултон Назарбоев келаси йилнинг бошида Қозоғистонда Ўзбекистон маданияти декадасини ўтказиш таклифини билдирди.

Ўзбекистон томони ишлаб-чиқариш кооперацияси, ҳўжалиқлараро бевосита шериклик, транспорт коммуникацияси, сув-энергетика захираларидан фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий офатларнинг олдини олишга оид масалалар бўйича ҳам бир неча

таклифларни ўртага ташлади. Бу таклифлар меҳмонлар томонидан маъқулланди.

Айти пайтда дунёнинг кўпгина минтақаларида иқтисодий интеграция жараёнида кузатиш мумкин. Бу тараққиётга эришиш йўлларида бири ҳисобланади. Иккинчи томондан эса, шу орқали глобаллашувга тайёргарлик кўрилади, дунё иқтисодий ҳаётида юз бериши мумкин бўлган турли инқирозларга шай турилади. Марказий Осиёдек ўз-ўзини озик-овқат, хом-ашё билан тўлиқ таъминлай оладиган минтақалар жуда кам. Биз ана шу салоҳиятни тўлиқ ишга солиб, баҳамжиҳат тараққий этмоғимиз лозим.

Меҳмонлар ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш ва ахборот соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ташаббусини илгари сурди. Таъкидландики, Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида телевидение дастурларини ўзаро намоиш этиш тўғрисидаги кўни кеча эришилган келишув Қирғизистон ва Қозоғистонни ҳам қамраб олса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шу билан бирга, сувдан фойдаланувчилар ва транспорт соҳасида иш юритувчиларнинг уюшмалари-

ни тузиш борасида таклиф билдирildi.

Музокараларда томонларнинг Афғонистондаги воқеаларга муносабати бир хил эканлиги таъкидланди. Президентлар минтақамиз мамлакатлари Афғонистоннинг Ҳамид Карзай бошчилигидаги муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлашини ва мамлакатда тўла тинчлик ва барқарорлик ўрнатишда, урушдан кейинги тикланиш даврида ундан ёрдамини аямаслигини билдирди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат раҳбарларининг Тошкент баёноти имзоланди.

Шу ернинг ўзида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда президентлар музокаралар натижалари ҳақида сўзлади ва минтақа мамлакатлари халқларини кириб келаётган янги йил байрами билан яна бир бор муборакбод этиб, эзгу тилаклар билдирди.

Шу билан Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг саммити якунланди. Учрашувлар ниятига етганидан сўнг саммит қатнашчилари пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси хиббонига бориб, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган юртдошларимизнинг рамзий қабрига гул қўйди. Юнусобод даҳасидаги Ёпиқ сув ҳавзаси ҳамда Бизнес-марказни томоша қилди.

Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар Тошкентдан жўнаб кетди.

(ЎЗА).

## ҚАРДОШЛИК

*Замин сокин, гўзал бу дунё,  
Аҳил, қондош, жондош элар бор.  
Янграр дутор, қўбиздан наво,  
Дўстлигимиз бўлиб устивор.  
Табаррукдир аждодлар ёди,  
Дил зиёси авлодларга у,  
Ҳамдам яшаш диллар муроди,  
Бизга мерос не зотлардан у.*

*Буюк ипак йўли бор — имон,  
Уни иҳлос ҳиммат яратган,  
Бўлиб борар тобора равон.  
Қуёш сари бизни қаратган.  
Қардошликни унутмас инсон,  
Заҳмат чекиб, тотгай тузу нон.  
Эларимиз яшар елкадош,  
Елкадошга нур сочар қуёш.*

НАЗАРМАТ.

## Кутубхона фонди бойиди

Пойтахтимиздаги «Турон» кутубхона-сига Очик жамият институтининг Кўмак жамғармаси билан «Ўстоз» жамғармаси грантлари асосида беш мингдан ортиқ газета-журналнинг электрон нусхаси топширилди.

Кутубхонага шу вақтгача янгилик ва маълумотларни CD-ROM дискларда олиб келинади. Эндиликда эса зарур ахборотлар электрон почта орқали олинади.

Шунингдек, кутубхонага ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олимларнинг китоб ҳолида жамланган мақолаларидан иборат ҳуқуқий адабиётлар ҳам тақдим этилди.

ЎЗА.



Шу кунларда «Оҳангаронцемент» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси корхона тарихидаги шонли санани нишонламоқда. Унинг ишга тушганига қирқ йил тўлиши муносабати билан бошланган тантаналар Янги йил шодиёналари билан уйғунлашиб кетди.

Мамлакатимиз бинокорлик саноатининг йирик корхоналаридан бири ҳисобланган «Оҳангаронцемент» ўзининг шонли тарихига эга. Мана сал кам ярим асрдан бери республи-



ликамиз халқ ҳўжалиги раванқига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли-туман қурилиш

## КОРХОНАНИНГ ҚЎШ БАЙРАМИ

ашёлари — цемент, шифер, асбоцемент қувурлари минглаб йирик иншоотлар, маданий-маиший муассасалар, уй-жойларни барпо этишда ишлатилмоқда.

Акциядорлик жамияти жамоаси 2001 йилда, айниқса, баракали ишлади. Шу даврда халқ ҳўжалигининг турли соҳаларига 872 минг 728 тонна цемент етказиб берди. Бу топшириқда назарда тутилганидан сал кам 10 минг тонна кўпдир. Экспорт қилинган маҳсулот миқдори жами цемент ҳажмининг 1,3 фоизига тенг бўлди. Бошқа маҳсулот турларини тайёрлашда ҳам сезиларли ижобий силжишларга эришилди.

Ўз сафига 2 минг нафардан ортиқ ишчи-хизматчини бирлаштирган цементчилар қўш байрамни муносиб нишонлар экан, ишлаб чиқаришни янада юқори поғонага кўтариш учун изланмоқдалар.

Ушбу сураатларда корхонанинг бир гуруҳ меҳнат фахрийлари В. Ежова (чапдан ўнгга), Н. Шалагинова, В. Кочетков, З. Троцкая, М. Дўстбоев, Ю. Хан ва В. Вронская ҳамда кимёвий таҳлил лабораторияси ходими Раъно Сулаймоноваларни (пастда) кўриб турибсиз.

Даврон АХМАД олган сураатлар.



## ЭЛИМИЗДА ЯНГИ ЙИЛ, ДИЛИМИЗДА ШУКУХ

ларга мулкчилик шаклидан қатъий назар қатор ташкилот, корхона ва муассасалар, ота-оналар ва маҳаллалар аҳли муносиб улуш қўшганлар. Жумладан, «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси 4,5 миллион сўмга яқин маблағни соғалар учун ажратди. Шунингдек, «Ўзбеккимёмаш заводи», «Фунча» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларининг ҳам бунда ҳиссаси бор.

### ОХАНГАРОН

Кичкинтойлар, мактаб ўқувчилари ўн кун мобайнида ташкилот ва ҳўжаликларда, турли маданият масканларида ташкил этиладиган арча байрами шодиёналарининг гувоҳи бўлишади. Бундай тадбирлар, шунингдек, Сусам фуқаролар йиғини клубида, 14-болалар ўқувчи мактабида, Махсус темир-бетон корхоналарида ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти маданият са-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ройида, Собир Раҳимов номли ширкат ҳўжалигида ва бошқа корхоналар маданият уйларида ҳам давом этади.

Тантаналарда Қорбобо, Қорқиз, турли-туман эртакларнинг қахрамонлари оҳангаронликлар меҳмони бўлишади. Туман маданият ишлари бўлимининг бадий ҳаваскорлари ижро этадиган куй ва қўшиқлар байрам иштирокчиларига завқ шавқ бағишлайди.

### ПАРКЕНТ

Туман ҳокимлиги Янги йил байрамини уюшқоқлик билан ўтказди.



зиш юзасидан бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди. Шунга кўра мактабларда, боғчаларда, маданият уйларида байрам тантаналари ўн кун давом этади.

Асосий тадбир эса, ҳокимият биноси залига ўрнатилган улкан арча атрофида бўлади. Бу ерда юз ёш билан юзлашган отахону онахонлар ҳамда кўплаб болалар тўпланишади. Улар учун туман бадий ҳаваскорлари жамоаларининг чиқишлари уюштирилади. Шу кун кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳамда истеъдодли ўқувчилар Президент соғаларини олади.

Кириб келаётган 2002 йил вилоятимизнинг ҳамма ерида катта тантана билан кутиб олинади.

Барча шаҳар ва туманларимиз марказларида ўтказиладиган «Президент арчаси» тадбирларида истеъдодли ёшлар билан бир қаторда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳам иштирок этадилар. Улар Янги йилнинг ажойиб мўъжизалари билан танишиб, Қорбобо ва Қорқиз туҳфаларидан баҳраманд бўлишади.

Телефон ёнида Шавкат ҚУЛИБОЕВ навбатчилик қилди.

## ДАСТУРХОН КЎРКИ НОЗ-НЕЪМАТ БИЛАН

Мамлакатимизда Янги йил байрамига ҳар томонлама қизғин ҳозирлик бошланиб кетганига анча бўлди. Бугун нафақат вилоят ва туман марказлари ёки шаҳарларда, балки ҳар бир маҳалла гузария барча хонадонларда байрам руҳи кезиб юрибди.

Айниқса, Тошкент шаҳрининг файзу кўрки ўзгача. Аҳоли гавжум жойларда, сайилгоҳу хиёбонларда байрамга атаб ташкил этилган савдо ярмаркалари дала ва боғларда етиштирилган турфа ноз-неъматлар билан тўлиб-тошган. Янги йил дастурхонини кўнгилдагидек қилиб тузаш ҳавасида елиб юрган пойтахтликларнинг омадлари юришди. Пештахталарда кўзни қамаштириб турган рангбаранг ва сархил сабзавоту мевалардан истаганларини хоҳлаганларича харид қилишлари мумкин.

Пойтахтнинг қайси туманида бўлманг, республикамизнинг барча вилоятларидан тонналаб маҳсулот олиб келиб, шаҳарликларга ҳар доимгидан анча арзон нархларда тақдим этаётганликларининг гувоҳи бўласиз. Жумладан, Тошкент вилояти



дала меҳнаткашлари шу кунларда Юнусобод даҳаси аҳолиси хизматидалар. Улар байрамона безатилган ярмарка расталарини 100 тонна картошка, 320 тонна сабзавот, 150 тонна мева-узум, 10 тоннадан зиёд гўшт, асал ва бошқа шифобахш ноз-неъматлар билан тўлдириб ташлашган. Ўзлари эса қўллари кўксиларига қўйиб, ширинсуханлик билан шаҳарликлар кўнглини олмоқдалар.

Шавкат АБДУЛЛАЕВ.

## МУНАВВАР ДУНЁ ҚУВОНЧЛАРИ



чиқишади. Фарзанд кўриш олдидан ва кейин ўн беш кундан ҳақ тўланадиган кўшимча таътил ҳам бор. Ёш болали аёлларнинг иш кунлари қисқартирилган.

Умуман, вилоятимизда тўққиз ойнинг ўзида 29707 бола ва она назоратга олинди, ҳаммалари туғруқдан кейинги реабилитация жараёнидан ўтишди.

«Соғлом авлод учун» жамғармасининг «Амбуланс» ҳаракатдаги шифокорлар гуруҳи амалга оширган тадбирларини-ку, қўяверинг. Улар шаҳар ва қишлоқларда бўлишиб, никоҳгача бўлган ёшлар, ёш оилалар, болаларни тиббий кўриқдан ўтказишди. Қанча-қанча кам таъминланган хонадонлар, даволанишга муҳтож оилаларга, меҳрибонлик уйларида дори-дармон, кийим-кечак билан ёрдам кўрсатишди. Жамғарма бу мақсадларга 6 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфлади.

Болалар ва ўсмирлар, аёллар ўртасида турли касалликларга чалинишни олдини олиш жараёнида 150 мингга яқин ўғил-қиз-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларимиз, туғиш ёшидаги 420 мингдан ортиқ аёллар тиббий кўриқдан ўтказилди. Гўдак соғлом, бақувват ўсишида она сутининг аҳамияти тўла англаб етилди.

Дарҳақиқат, «Оналар ва болалар йили»да амалга оширилган ишлар кўлами ниҳоятда кенг бўлди. Вилоятимиз чет эллик дўстларимизнинг мададини, моддий-маънавий қўллаб-

қувватлашини ҳам кун сайин ҳис қилиб турди. Уларни бугун номаном тилга олишга ҳоҳат йўқ. Лекин «Проктер Энд Гэмбл» компаниясининг вилоятимиз болаларига муносабати ўзгача ифодаланди. Компания тақдим этган «Жозибатор табасум» ўқув дастури минг-минг кичкинтойлар кўнглида ижодга иштиёқ машъаласини порлатди. Шу дастур асосида барча

мактабларда расм бўйича 2-синф ўқувчиларининг ижодий кўриғи ўтказилди. Шаҳар ва туман кўриқлари қолиблари вилоят босқичида куч синашишди. Зангиота туманидаги 18-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Муҳриддин Зокиров чизган расм ҳомийлар ва ҳакамлар чехрасида ҳам жозибатор табасум уйғотиб, 1-ўринга лойиқ топилди.

Хуллас, «Оналар ва болалар йили» доирасидаги ишлар ниҳоятда кўламли ва кўнгилли бўлди. Унинг самараларини эса, ҳали узоқ муддатларгача кўриб, кузатиб, кўнгилларимиз тўлиб бораверди.

Жўрабек МУРОДОВ.

Вилоятимизда тўққиз ойнинг ўзида 29707 бола ва она назоратга олинди, ҳаммалари туғруқдан кейинги реабилитация жараёнидан ўтишди.

## ЭЛ НАЗАРИ ТУШГАН ИНСОНЛАР

Акромжон АЪЗАМОВ,  
«Нуроний» жамғармаси Оҳангарон шаҳар бўлимаси кеңашининг раиси

– Президентимиз Ислам Каримов ташаббуслари билан 2002 йил Қарияларни кадрлаш йили деб эълон қилиниши шахримиз уруш ва меҳнат фахрийларига ҳам қувонч ва бардамлик бағишлади. Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишда улар давлатимиз раҳбарига ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди. Қарияларимиз мустақил мамлакатимиз равнақига баҳоли қудрат ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Моддий ва маънавий қадриятларимизнинг тикланишида, жамиятимиздаги янгиланиш жараёнида уларнинг улуши катта бўлаётди.

Шаҳримизда 4600га яқин уруш ва меҳнат фахрийси яшаб турипти. Улар саноат шаҳри – Оҳангаронни барпо этиш, мамлакатимизда йирик қури-

лиш ашёлари корхоналарини ишга туширишнинг турли босқичларида меҳнат қилишган. Шу боис шаҳар корхоналари бу табарруқ инсонларнинг кексаликдаги ҳаёти мазмунли ўтиши учун ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Айниқса, дон маҳсулотлари, шифер, сув-оқава корхоналари ўз пенсионерларига бир қатор қўшимча имтиёзлар белгилаганлиги кишини қувонтиради.

Биз Қарияларни кадрлаш йилида бир қатор тадбирларни режалаштираётимиз. Фахрийларимиз, айниқса, якка-ёлғиз яшаётган нуронийларга, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни кучайтиряпмиз. Санаторий ва дам олиш уйларида уларнинг соғлиқларини тиклашга алоҳида эътиборни қаратмоқдамиз.

## ҲАММАСИ – АҲОЛИ УЧУН

Оқилхон АҲРОРОВ,  
«Вилоятматлуботсавдо» ҳиссадорлик компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

– Компаниямиз 1769,9 минг кишилик аҳолига савдо хизмати кўрсатади. Тизимимизда 122та савдо ташкилотлари – жамоа ҳўжаликлари ва 80та ҳўжалик ҳисобидаги корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 1304та дўкон, 526та умумий овқатланиш корхоналари ишлаб турибди.

Ўтган давр мобайнида янги савдо, ишлаб чиқариш ва умумий овқатланиш тармоқларини қуриш бўйича кўпгина ишларни амалга оширдик. Жумладан, 120та дўкон, 200 ўринли 35та охона, 23та макорон ишлаб чиқариш цехлари, 50та кичик нонвойхоналар, қуввати бир кеча-кундузда 120 декалитрли 2та лимонад цехи ҳамда 8та қандолат цехлари ишга туширилганини айтиб ўтиш кифоя.

2002 йилдаги вазифаларимиз янада салмоқли. Жумладан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган савдо маданиятини янада ошириш, шунингдек, умумий овқатланиш корхоналарининг гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида Бекобод, Оҳангарон, Пскент, Янгийўл, Чиноз, Юқоричирчиқ ҳамда Ўртачирчиқ туманларидаги бўрдоқчилик ҳўжаликларининг аҳолини тубдан яхшилаш, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. Бу ҳўжаликларимизда ҳозир минг бош қорамол, 800 бош қўй парвариш қилиниб, гўштга топшириш учун тайёрлаб қўйилган.

ЎЗА.

# «ТОШВИЛОЯТАВТОТЕХХИЗМАТ»

ҳиссадорлик жамияти жамоаси  
вилоят аҳли ва барча азиз ватандошларни

ЯНГИ

2002

йил билан

САММИЙ

МУБОРАКБОД

ЭТАДИ!

Кириб келаётган

Янги йилда ҳар бирингизга

ва оилангизга сиҳат-саломатлик,

тинчлик-тотувлик, меҳр-муҳаббат, бахту иқбол,

файзу барака, моддий фаровонлик, омад ёр

бўлсин!

Қарияларни қадрлаш йили

ҳаммамиз учун қадрли бўлиб қолсин.

«Тошвилоятавтотеххизмат» ХЖ.

Тел: Тошкентда

54-77-71, 54-62-42, 54-57-42,

Чинозда 8(259) 31-413, 31-279.



Тадбир

## ЙИЛ СЎНГГИДАГИ ТУҲФА

Янги йил байрами арафасида Паркент туманида китоб байрами ўтказилди. Унда таниқли шоирлар ва олимлар иштирок этдилар.

160-Паркент сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси сайланган депутат, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Беҳзод Йўлдошев саъй-ҳаракати билан шу йилнинг ўзида тумандаги мактаблардан бирига ўн икки ярим миллион сўмлик компьютер, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда туман марказий касалхонасига хорижда ишлаб чиқарилган тиббиёт асбоб-ускуналари, тожик тили мактаблари ўқувчилари учун дарсликлар ажратилганди. Бу сафар эса, қозоқ мактаблари учун дарсликлар олиб келинди. Беҳзод Йўлдошев ва Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси биринчи ўринбосари Рўздат Сафоев уларни туман вакиллари топишди.

Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан «Маънавият ва маърифат» маркази бўлимига ҳам ноб китоблар туркуми тақдим этилди. Қозоқ миллий маркази туман бўлими раҳбари, Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ўсарвой Раҳимов, «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Тўйчи Дўсматов туҳфалар учун миннатдорчилик билдиришди.

Республикада қозоқ тилида нашр этиладиган «Нурли жол» газетасининг бош муҳаррири, адабиётшунос Қолдибек Сейданов мазкур тадбир ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланаётганлигидан дарак беради, деб таъкидлади. Китоб байрами шеърият кечасига уланиб кетди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов тумандаги ўзгаришларни қувонч билан тилга олган, янги шеърларидан намуналар ўқиб берди. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, шоира Шарифа Салимова, вилоят ёзувчилар уюшмаси раиси Маҳмуд Тоиров, «Паркент тонги» газетаси ходими, шоир Усмон Бек шеърият кечасини давом эттирдилар.

Мазкур тадбир шу куни унда иштирок этганлар учун чинакам байрам туҳфаси бўлди.

Ўз мухбиримиз.

## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

Сиз азизларни кириб  
келаётган янги 2002 йил  
билан қутлайди. Сизга  
саломатлик, тинчлик,  
тотувлик ва бахт тилаган  
ҳолда

### ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Сиз Ўз молиявий шароитингизни янада яхшилаш ниятингиз бўлса, биз билан ҳамкорлик қилинг. Бунинг учун Сиз ўз асосий иш жойингиздан бўша-шингиз шарт эмас.

Сиз брокер ёки дилер сифатида фаолият кўрсатишингиз мумкин.

**БРОКЕР** — мулк ёки товар сотиб олмоқчи ёки сотмоқчи бўлган жисмоний ёки юридик шахс, корхона, фирма ва бошқалар (харидор) топшири-ғига биноан ўзаро келишилган мукофот пули эва-зига биржа савдоларида харидор номидан иш юритувчи мутахассис.

**ДИЛЕР** — ўз маблағи ҳисобига ва ўз номидан фаолият юритувчи юридик мақомга эга бўлган ёки жисмоний шахс.

Брокер ёки дилер бўлиб фаолият кўрсатиш учун бизда барча шароитлар етарли, қисқа муд-датли курслар, ўқув қўлланмалар мавжуд. Бро-керлик ўрни ҳақи 1 йилга 10 минг сўмни ташкил қилади.

**МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!**

### ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2002 йил 29 январь, 7 февраль кунлари соат 11.00да ўтка-зиладиган навбатдаги аукцион ва биржа савдоларига таклиф этади.

#### Савдога қўйидагилар қўйилади:

1. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар ҳокимиятига қарашли, Чирчиқ шаҳри, 8 мавзе, 40 «А» уйда жойлашган 368,3 кв.м. бўлган жой объекти.  
**Бошланғич баҳоси - 4 720 800 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).**

2. «Химавтоматика» акционерлик жамиятига қарашли Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Қорабулоқ қишлоғида жойлашган дам олиш маска-ни бино ва иншоотлари объекти.  
**Бошланғич баҳоси - 12 000 000 сўм (ер майдонлари бу баҳога кирмайди).**

3. Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги «Султонобод» жамоа хўжалиги-га қарашли ҳар бир ер майдонининг сатхи 600 кв.м. 2та ер майдони.  
**Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 34 800 сўм.**

Ер майдонларига ариза қабул қилиш 3 кун олдин тўхтатилади.  
**Эслатма:** Сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Xususiy lashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида ва давлат божи учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ Давлат орденини олиш учун тўланади.

Шунингдек, аввалги савдоларда қўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин. Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба, жума кунлари ўтказилади.

**Бизнинг манзилимиз:** Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг чап қаноти.

**Тел: 133-28-52, 133-77-18, факс: 132-00-37.**



## ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛ

Бокс

лограмм вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. Чинозлик Сирожиiddин Наимов 71 килограммли боксчилар орасида мутлақ чемпионликни қўлга киритди. Чирчиқ бокс мактаби тарбияланувчилари Икром Бердиев (81 килограмм) ва Рустам Саидовлар (91 килограммдан юқори вазнда) ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтиш мумкин. Улар ўз вазн тоифаларида ўн икки вилоят спортчиларидан устун келдилар. Голлибликни қўлга киритган вакилларимиз келаси йил бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида қатнашиш учун республикамиз терма жамоаси сафидан жой олишса ажаб эмас.

Камолиддин АСКАРОВ.

СУРАТДА: Ўзбекистон чемпиони Рустам Саидов.



Бокс бўйича Ўзбекистон ўнинчи миллий чемпионати вилоятимиз боксчилари учун омадли келди.

Боксчиларимиз мусобақада тўртта олтин, учта кумуш ва учта бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни олишга сазовор бўлдилар.

Михаил Романчук мураббийлиги остида вилоят терма жамоасидан ўрин олган ёш боксчи Бахитбек Сарсикбоев 63 ки-

## ФУТБОЛ МАВСУМИ ЮЛДУЗЛАРИ



Мана, 2001 йилги футбол мавсуми якунланиб, жаҳоннинг кучли футболчилари ва «олтин тўп» соҳиби аниқланди.

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида йилнинг энг яхши футболчилари исмини эълон

қилиш маросими ўтказилди. Испаниянинг «Реал» (Мадрид) клуби ҳужумчиси Луиш Фигу жаҳоннинг 2001 йилдаги энг яхши футболчиси деб топилди.

Англиянинг «Ливерпул» клуби ҳужумчиси Майкл Оуэн Европадаги энг етакчи ва обрўли спорт журналистлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра йилнинг энг яхши футболчиси деб тан олинди ва унга «олтин тўп» тақдим этилди.

Республикамизда эса Россия чемпионати олий лигасида иштирок этаётган Ростовнинг «Ростсельмаш» жамоаси ўйинчиси Николай Ширшов «Йилнинг энг яхши футболчиси» номига муносиб топилди. «Пахтакор»нинг бу собиқ ярим ҳимоячиси Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибида элликта ўйин ўтказиб, ўн бир марта рақиблар дарвозасини аниқ нишонга олган.

Ўзбекистон Футбол федерациясида олий ва биринчи табақа жамоаларининг бош мураббийлари иштирокида ўтказилган йиғилишда «Трактор» (Тошкент) жамоасининг бош мураббийи Равшан Хайдаров мамлакат миллий терма жамоаси бош мураббийи этиб сайланди. У беш йил давомида миллий терма жамоа билан иш олиб боради.

## ОРЗУЛАР БИР ҚАНОТ

Улуғбек ИБРОҲИМОВ,

Қибрай туман жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг раиси:

– Йилдан йилнинг фарқи катта бўлар экан. Буни биз ўз тажрибамизда кузатяпмиз. Мустақилликнинг ҳар бир йили туманимизда жисмоний етук, баркамол ёшларни тарбиялашнинг сифат ва кўлам даражасига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бу жиҳатдан якунланаётган йил айниқса қувончли кечди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида спортнинг етти тури бўйича ўтказилган «Олимпиада умидлари – 2001» мусобақалари юқори савияда якунланди. Вилоят бўйича умумкоманда ҳисобида учинчи ўринга кўтарилдик. 6-мактабнинг ёш футболчилари эса

республика финал мусобақасида муваффақиятли қатнашиб, 2-ўринни эгаллашди. Белбоғли кураш бўйича турнирда туманимиз вакили «Соғлом авлод учун» жамғармаси совринини қўлга киритди.

Теннис, футбол, «Турон» якка кураш мусобақалари оммавийлик касб этди. Футбол бўйича туман биринчилиги анъана бўлиб қолди. Футбол жамоамиз вилоят мусобақаларида кучли командалар билан муносиб куч синашиб келаётганлиги бунинг натижасидир. Янги йилда биз янада яхши кўрсаткичларга эришиш ниятидамиз.

## Бўш вақтларингизда

## ҲАМ ДАРЁНИНГ, ҲАМ ШАҲАРНИНГ НОМИ БИР


Юқорига: 16. Республика журналларидан бири. 47. Бўялган, ранг берилган.

Пастга: 9. Радиоактив унсурларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган уч хил нурнинг бири. 37. Японияда ишлаб чиқарилган автомобиль русуми.

Бўйига: 1. Автомобилларнинг ёритгич чироклари. 3. Фикрни тасдиқловчи қисқа жавоб. 4. Кишининг эсда сақлаб қолиш қобилияти. 6. Сут юзида ҳосил бўлган қаймоқ. 7. Тузини ичиб, тузлигига тупурувчи. 10. Инсоннинг наслий белгиларига қараб, гуруҳларга бўлиниши. 11. Турли давлатларда турли кийматларга эга бўлган узунлик ўлчови. 13. Со-дир бўлмоқ –... бўлмоқ. 15. Улаш, бириктиришда ишлатиладиган модда. 17. Соғ-омон, саломат. 21. Пардали қилиб ай-тилган. 22. Фикрнинг тўғрилигини тасдиқловчи далил. 23. Аланга, ёнғин. 24. Электр токини улайдиган ёки узатидиган асбоб. 27. Қозоғистон ҳарбидаги бир хил аталадиган дарё ва шаҳар. 28. Мусиқий нота. 30. «Борлиқ, ярашиш, ... уришиш» (мақол). 32. Икки тенг параллел асосдан ён-ёқлари эса параллелограммдан иборат геометрик шакл. 34. Перу давлати пул бирлиги. 38. Эрондаги йирик давлат. 33. Қилич, пичоқнинг кирраси. 35. Пул топгунча ... топ (мақол). 36. Бозордаги усти ёпиқ раста. 39. Бирор жамоанинг барча аъзолари амал қилиши лозим бўлган қатъий тартиб. 43. Миллат. 45. Илгари яшаб ўтган ота-боболар. 48. Франциянинг энг яхши футболчиси. 51. Сўроқ олмоши. 52. Субтропик ўсимлик. 55. Гапнинг бош бўлакларидан бири. 56. Дунай дарёсининг ирмоғи. 57. Германиядаги футбол клуби. 60. Мағзи қаттиқ қобиққа ўралган кўп йиллик дарахт. 61. Бироз кайфи бор киши. 62. Тугал маъно ифода-ладиган сўз. 63. Қуръони Каримдаги муқаддас сўзлар атамаси. 65. Қашқадарё вилоятидаги Баҳористон тумани маъмурий маркази. 66. Таҳсин, мамнунлик билдирувчи қарсақлар.

учун ишлатиладиган мослама. 54. Жанубий Осиё ва Шарқий Африкада яшовчи ўрқачли ҳўкиз. 58. Нарсаларнинг кўндаланг йўналишдаги катталиги. 59. Муайян бир жойнинг аҳолиси. 63. Кўз қорачиғини ўраган тиниқ рангдаги қисм. 64. Бириктирувчи, боғловчи.

Энига: 2. Тана мушакларини суякка бириктириб турувчи тўқима. 5. Чекишга одатланган кашанда. 8. Катта қийинчилик билан, зўр-базўр. 12. Оддий транспорт воситаси. 14. Киши фаолиятининг аниқ белгиланган тартиби. 18. Эскириб кетган жулдур кийим. 19. Франциянинг 18-президенти... Голь. 20. Мусиқий нота. 22. Об дарёсининг ирмоғи. 25. Оташпараст. 26. Замбаракнинг ост қисми. 29. Маърифатпарвар шоир Хўжаназар ... 31. Монарх ҳоким бошчилик қиладиган йирик давлат. 33. Қилич, пичоқнинг кирраси. 35. Пул топгунча ... топ (мақол). 36. Бозордаги усти ёпиқ раста. 39. Бирор жамоанинг барча аъзолари амал қилиши лозим бўлган қатъий тартиб. 43. Миллат. 45. Илгари яшаб ўтган ота-боболар. 48. Франциянинг энг яхши футболчиси. 51. Сўроқ олмоши. 52. Субтропик ўсимлик. 55. Гапнинг бош бўлакларидан бири. 56. Дунай дарёсининг ирмоғи. 57. Германиядаги футбол клуби. 60. Мағзи қаттиқ қобиққа ўралган кўп йиллик дарахт. 61. Бироз кайфи бор киши. 62. Тугал маъно ифода-ладиган сўз. 63. Қуръони Каримдаги муқаддас сўзлар атамаси. 65. Қашқадарё вилоятидаги Баҳористон тумани маъмурий маркази. 66. Таҳсин, мамнунлик билдирувчи қарсақлар.



Тузувчи Акрамжон ХЎЖАМОВ.

## ҚЎЛГА НИМА ЭТСИН

– Опанг нега тиш дўхтири бўлиши хоҳлайди?

– Эркалар унга оғзини очиб қарашларини яхши кўради.

\*\*\*

Эру-хотин кечкурун ресторан-да мазза қилиб овқатланишди. Эр официант билан ҳисоб-китоб қилгандан кейин, деди:

– Хурматли жаноб, чойчақа ўрнига хотиним сизга дастурхон-ни йиғштиришиб юборади.

\*\*\*

Судья айбланувчиға:

– Сиз гирт маст бўлиб театр-га кирганингизга икрормисиз?

– Албатта, ҳушёрлигимда бун-дай қилиш ҳаёлимга ҳам келмас-ди.

\*\*\*

Филни операция қилиб бўлишгач, ветеринар-шифокор деди:

– Хайрият, бу сафар бирорта аслаҳа-анжомни жониворнинг қорнида қолдирмадик. Айтганча, ҳамшира қизимиз қани?

\*\*\*

– Ҳой, официант, мен сизга лимонли гўшт букюрғандим, гўшт қани?

– Лимоннинг тагида, жаноб.

\*\*\*

Мижоз:

– Дўхтир, куёвимга тезроқ ёрдам берсангиз, мен кеча ўқ узиб, оёғидан яралаганман.

– Нега куёвингизга ўқ узасиз?

Яхши эмас, бу...

– Кеча менга куёв бўлишга кўнмаганди.

Матлуба МАҲМУДХЎЖАЕВА тайёрлади.



| NOYABR         | DEKABR          | YANVAR          |
|----------------|-----------------|-----------------|
| Д 4 11 18 25   | Д 2 9 16 23 30  | Д 7 14 21 28    |
| С 5 12 19 26   | С 3 10 17 24 31 | С 1 8 15 22 29  |
| Ч 6 13 20 27   | Ч 4 11 18 25    | Ч 2 9 16 23 30  |
| П 7 14 21 28   | П 5 12 19 26    | П 3 10 17 24 31 |
| Ж 1 8 15 22 29 | Ж 6 13 20 27    | Ж 4 11 18 25    |
| Ш 2 9 16 23 30 | Ш 7 14 21 28    | Ш 5 12 19 26    |
| Я 3 10 17 24   | Я 1 8 15 22 29  | Я 6 13 20 27    |



| OKTYABR         |
|-----------------|
| Д 7 14 21 28    |
| С 1 8 15 22 29  |
| Ч 2 9 16 23 30  |
| П 3 10 17 24 31 |
| Ж 4 11 18 25    |
| Ш 5 12 19 26    |
| Я 6 13 20 27    |

| SENTYABR       |
|----------------|
| Д 2 9 16 23 30 |
| С 3 10 17 24   |
| Ч 4 11 18 25   |
| П 5 12 19 26   |
| Ж 6 13 20 27   |
| Ш 7 14 21 28   |
| Я 1 8 15 22 29 |

| AVGUST          |
|-----------------|
| Д 5 12 19 26    |
| С 6 13 20 27    |
| Ч 7 14 21 28    |
| П 1 8 15 22 29  |
| Ж 2 9 16 23 30  |
| Ш 3 10 17 24 31 |
| Я 4 11 18 25    |




| FEVRAL       |
|--------------|
| Д 4 11 18 25 |
| С 5 12 19 26 |
| Ч 6 13 20 27 |
| П 7 14 21 28 |
| Ж 1 8 15 22  |
| Ш 2 9 16 23  |
| Я 3 10 17 24 |

| MART            |
|-----------------|
| Д 4 11 18 25    |
| С 5 12 19 26    |
| Ч 6 13 20 27    |
| П 7 14 21 28    |
| Ж 1 8 15 22 29  |
| Ш 2 9 16 23 30  |
| Я 3 10 17 24 31 |

| APREL          |
|----------------|
| Д 1 8 15 22 29 |
| С 2 9 16 23 30 |
| Ч 3 10 17 24   |
| П 4 11 18 25   |
| Ж 5 12 19 26   |
| Ш 6 13 20 27   |
| Я 7 14 21 28   |



| IYUL            | IYUN           | MAY             |
|-----------------|----------------|-----------------|
| Д 1 8 15 22 29  | Д 3 10 17 24   | Д 6 13 20 27    |
| С 2 9 16 23 30  | С 4 11 18 25   | С 7 14 21 28    |
| Ч 3 10 17 24 31 | Ч 5 12 19 26   | Ч 1 8 15 22 29  |
| П 4 11 18 25    | П 6 13 20 27   | П 2 9 16 23 30  |
| Ж 5 12 19 26    | Ж 7 14 21 28   | Ж 3 10 17 24 31 |
| Ш 6 13 20 27    | Ш 1 8 15 22 29 | Ш 4 11 18 25    |
| Я 7 14 21 28    | Я 2 9 16 23 30 | Я 5 12 19 26    |



## БАЙРАМ КУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги кунлар байрам (дам олиш куни) деб белгиланган:

- 1 январь — Янги йил
- 8 Март — Хотин-қизлар куни
- 21 март — Наврӯз байрами
- 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни
- 1 сентябрь — Мустақиллик куни
- 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни
- 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни
- Рамазон ҳайитининг биринчи куни
- Қурбон ҳайитининг биринчи куни

## МУЧАЛИНГИЗНИ УНУТМАНГ!

бир йил кўшилади.  
Мучол йили – 21 мартдан келгуси йилнинг 21 мартигача давом этади.

Мучал тақвими 22 мартда бошланади. Ҳозирги тақвимдаги январь, февраль ва 21 мартгача бўлган давр олдинги мучал йили ҳисобига киради. Одатда одам ёши мучал йили билан ҳисоблаганда, унга яна

Қуйида мучал йили номлари ва 2007 йилгача бўлган саналари берилмоқда:

|            |      |      |      |      |      |      |      |      |      |
|------------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| 1. Сичқон  | 1900 | 1912 | 1924 | 1936 | 1948 | 1960 | 1972 | 1984 | 1996 |
| 2. Сигир   | 1901 | 1913 | 1925 | 1937 | 1949 | 1961 | 1973 | 1985 | 1997 |
| 3. Йўлбарс | 1902 | 1914 | 1926 | 1938 | 1950 | 1962 | 1974 | 1986 | 1998 |
| 4. Қуён    | 1903 | 1915 | 1927 | 1939 | 1951 | 1963 | 1975 | 1987 | 1999 |
| 5. Балиқ   | 1904 | 1916 | 1928 | 1940 | 1952 | 1964 | 1976 | 1988 | 2000 |
| 6. Илон    | 1905 | 1917 | 1929 | 1941 | 1953 | 1965 | 1977 | 1989 | 2001 |
| 7. От      | 1906 | 1918 | 1930 | 1942 | 1954 | 1966 | 1978 | 1990 | 2002 |
| 8. Қўй     | 1907 | 1919 | 1931 | 1943 | 1955 | 1967 | 1979 | 1991 | 2003 |
| 9. Маймун  | 1908 | 1920 | 1932 | 1944 | 1956 | 1968 | 1980 | 1992 | 2004 |
| 10. Товуқ  | 1909 | 1921 | 1933 | 1945 | 1957 | 1969 | 1981 | 1993 | 2005 |
| 11. Ит     | 1910 | 1922 | 1934 | 1946 | 1958 | 1970 | 1982 | 1994 | 2006 |
| 12. Тўнғиз | 1911 | 1923 | 1935 | 1947 | 1959 | 1971 | 1983 | 1995 | 2007 |

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис  
ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Фатҳиддин  
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар:  
133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз:  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида 8 рақами  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахририяти компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифоланди.

● Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда да-  
лилларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
чилар масъулдир.